


Самарқанд вилоят Адлия
бошқармаси томонидан 2022йил
«11» май да 25 - сон билан
давлат рўйхатига олинган

“PHILOSOPHY OF JUSTICE”
нодавлат таълим муассасасининг
2022йил “28” апрель кунги
№-1 сонли баённомаси билан
тасдиқланган



**«PHILOSOPHY OF JUSTICE» НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ
МУАССАСАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДОИМИЙ ФАОЛИЯТ
КЎРСАТУВЧИ ҲАЛҚАРО
ТИЖОРАТ АРБИТРАЖ (ҲАКАМЛИК) СУДИДА
ТАРАФЛАРНИНГ ҲАКАМЛИК (АРБИТРАЖ) ЙИҒИМИ,
ХАРАЖАТЛАРИ ВА ЧИҚИМЛАР
ТЎҒРИСИДА
НИЗОМИ**

Самарқанд - 2022

**«PHILOSOPHY OF JUSTICE» нодавлат таълим муассасаси ҳузуридаги доимий
фаолият кўрсатувчи халқаро тижорат арбитраж (ҳакамлик) судида тарафларнинг
ҳакамлик (арбитраж) йиғими, харажатлари ва чиқимлари тўғрисида
НИЗОМ**

1-модда. Ушбу Низомнинг қўлланилиш соҳаси

Мазкур Низом Арбитраж (ҳакамлик) суди Регламентининг ажралмас қисми ҳисобланиб, ҳакамлик йиғимларни, қўшимча харажатларни ва ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг чиқимларини ҳисоблаш, тўлаш, ишлатиш ва тақсимлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни белгилайди.

2-модда. Асосий тушунчалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ҳакамлик (арбитраж) йиғими – Ҳакамлик судига куриб чиқиш учун тақдим этилган ҳар бир даъводан ундирилаётган ва Ҳакамлик судининг фаолияти билан боғлиқ бўлган умумий харажатларни коплаш учун ишлатилаётган тўлов (ҳакамлик судьяларига бериладиган гонорарлар, Ҳакамлик суди ходимларига бериладиган иш ҳақи ва гонорарлар, ҳакамлик муҳокамасини ташкилий харажатларига кирувчи бино учун ижара ҳақи, ёзув қуроллари, алоқа хизмати харажатларлари, шунингдек ҳакамлик муҳокомаси билан боғлиқ бўлмаган Ҳакамлик судининг моддий-техник таъминоти харажатлари), ушбу регламентда ҳакамлик йиғими ва арбитраж йиғими тушунчалари бир хил маънога эга бўлиб, ҳакамлик судьялари таркиби томонидан кўриладиган ҳакамлик ишларида ҳакамлик йиғими, арбитраж томонидан кўриладиган ишларда арбитраж йиғими терминлари ишлатилади.

Ҳакамлик судининг қўшимча харажатлари – ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган махсус харажатлар (экспертиза ўтказиш, ёзма ва оғзаки таржима учун тўланадиган сумма, экспертлар ва таржимонларга тўланадиган маблағлар, гувоҳлар томонидан сарфланган харажатларни коплаш, ҳакамлик судьяларининг ҳакамлик муҳокамасида иштирок этиши билан боғлиқ бўлган харажатлари, шу жумладан низони кўриб чиқиш жойига бориб келиш учун тўланадиган йўл ҳақи харажатлари ҳакамлик муҳокомасида иштирок этгани туфайли йўл сафари учун бериладиган маблағлар, ҳакамлик судьяларининг ёзма ва ашёвий далилларни мазкур далиллар турган жойда қўздан кечириш ҳамда текшириш билан боғлиқ бўлган харажатлари, почта жўнатмаларини юбориш ва бошқа хизмат сафари харажатлари).


ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг чиқимлари – Ҳакамлик судида низо кўриб чиқиладиганда ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга келиб чиқадиган харажатлар, мазкур модданинг иккинчи-учинчи хат бошларида кўрсатилган харажатлардан ташқари (ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори тарафлардан қайси бирининг фойдасига чиқарилган бўлса, ўша тараф вакилининг хизматлари ҳақини тўлаш ва тарафларнинг ҳакамлик муҳокомасида иштироки билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар).

3-модда. Даъвонинг баҳосини аниқлаш

1. Даъвонинг баҳоси қуйидагича аниқланади:

- пул маблағларини ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича - ундирилган суммага қараб;

- мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича - шу мол-мулкнинг қийматига қараб;



- ҳуқукий муносабатларни (битимларни) ҳақиқий деб топиш, тузишга мажбурлаш, мажбурият юклаш, бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги даъволар бўйича – даъво аризаси тақдим этилаётган пайтда ҳуқукий муносабатлар предметининг қийматига қараб.

2. Бир неча талаблардан иборат бўлган даъволарда ҳар бир талабнинг суммаси алоҳида белгиланиши шарт. Даъвонинг баҳоси барча талабларнинг суммаси билан белгиланади.

3. Даъвонинг баҳоси даъвогар томонидан кўрсатилмаган ёки нотўғри кўрсатилган тақдирда у Ҳакамлик суди томонидан бор маълумотлар асосида белгиланади (Ҳакамлик суди ташаббуси ёки жавобгар талабига биноан).

4-модда. Ҳакамлик (арбитраж) йиғими миқдори

1. Ҳакамлик (арбитраж) йиғими миқдори даъвонинг баҳоси бўйича қуйидагича аниқланади:

- даъво суммаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг даъво аризаси топширилган кундаги курси бўйича 1000 АҚШ доллари эквивалентигача бўлган мулкӣ тусдаги даъво аризаларидан даъво суммасининг 10 фоизи миқдорида

- даъво суммаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг даъво аризаси топширилган кундаги курси бўйича 1000 АҚШ долларида зиёд - 4000 АҚШ доллари эквивалентигача бўлган мулкӣ тусдаги даъво аризаларидан даъво суммасининг 8 фоизи миқдорида

- даъво суммаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг даъво аризаси топширилган кундаги курси бўйича 4000 АҚШ долларида зиёд - 10 000 АҚШ доллари эквивалентигача бўлган мулкӣ тусдаги даъво аризаларидан даъво суммасининг 6 фоизи миқдорида

- даъво суммаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг даъво аризаси топширилган кундаги курси бўйича 10 000 АҚШ долларида зиёд - 30 000 АҚШ доллари эквивалентигача бўлган мулкӣ тусдаги даъво аризаларидан даъво суммасининг 4 фоизи миқдорида

- даъво суммаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг даъво аризаси топширилган кундаги курси бўйича 30 000 АҚШ долларида зиёд - 100 000 АҚШ доллари эквивалентигача бўлган мулкӣ тусдаги даъво аризаларидан даъво суммасининг 2 фоизи миқдорида

- даъво суммаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг даъво аризаси топширилган кундаги курси бўйича 100 000 АҚШ доллари эквивалентидан юқори бўлган мулкӣ тусдаги даъво аризаларидан даъво суммасининг 1 фоизи миқдорида

- ушбу Низомнинг 3 моддаси 1 банди 4 хатбошисида назарда тутилган тартибда қийматини аниқлашнинг имкони бўлмаган бошқа номулкӣ тусдаги даъволар юзасидан тақдим этилган даъво аризалари бўйича қўриб чиқиладиган ишнинг мураккаблигига, харажатлар турлари ва иш ҳажмига ва тарафлар танлаган судьялар (арбитрлар)нинг талаб қиладиган минимал гонорарлари миқдорига қараб ҳакамлик (арбитраж) йиғими танланган якка судья (арбитр) ёки судьялар (арбитрлар)нинг таркиби ажрими билан белгиланади. Бунда дастлабки равишда даъво аризани қабул қилишда иш якка судья (арбитр) томонидан қўрилиши қилишилган ҳолларда Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари, судьялар (арбитрлар) ҳайъати томонидан қўрилиши қилишилган ҳолларда Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдорида белгиланади. Якка тартибда ишни қўрувчи судья (арбитр) ёки судьялар (арбитрлар) ҳайъатининг ажримида кўрсатилган кўрсатилган якуний ҳакамлик (арбитраж) йиғими ва/ёки суд харажатларининг ажримда кўрсатилган муддатда даъвогар томонидан тўланмаслиги даъво аризани қўрмасдан қолдирилишига асос бўлмайди, бироқ ишнинг натижасига қараб айбдор тарафдан ундирилади.



2. Даъвонинг баҳосига даъво аризасида кўрсатилган неустойка ва зарарлар суммалари ҳам киритилади.

3. Доимий равишда низоларни ушбу арбитраж судига топшириш тартибини белгиланган хўжалик юритувчи субъектларга даъво миқдоридан катъий назар арбитраж судининг раиси (ўринбосари) қарорига асосан пастроқ пропорционал ва катъий белгиланган фоиз ёки миқдордаги (суммадаги) ставкалар бўйича ҳакамлик (арбитраж) йиғими миқдори белгиланиши мумкин.

4. Айирим ҳолларда, истисно тариқасида Муассаса билан келишилган ҳакамлик судининг раиси қарорига асосан юридик ва жисмоний шахсларга пастроқ пропорционал ва катъий белгиланган фоиз ёки миқдордаги (суммадаги) ставкалар бўйича ҳакамлик йиғими миқдори белгиланиши мумкин.

5-модда. Ҳакамлик (арбитраж) йиғимини тўлаш тартиби

1. Ҳакамлик йиғими миллий валютада, лозим топилганда (тарафлардан бири чет эл резиденти бўлганда) даъво баҳоси кўрсатилган чет эл валютасида тўланади. Тарафлар ҳакамлик йиғимини даъво аризасининг баҳоси чет эл валютада белгиланган тақдирда ҳам миллий валютада ҳакамлик йиғими тўланаётган пайтдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан муайян валютага нисбатан белгиланган курс бўйича тўлашга ҳақли.

2. Ҳакамлик судига мурожаат қилаётганда, даъвогар даъво аризасини тақдим этишдан олдин Ҳакамлик суди ҳисоб рақамига ҳакамлик йиғимини тўлайди. Агарда ҳакамлик йиғими тўланмаса Ҳакамлик суди даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

3. Ҳакамлик суди ҳисоб рақамига пул маблағлари келиб тушиши билан ҳакамлик йиғими тўланган ҳисобланади.

4. Ҳакамлик йиғими тарафнинг банк ҳисоб рақамидан, корпоратив пластик картасидан ҳакамлик судининг ҳисоб рақамига пўл кўчириш йули билан, ёки тарафнинг мансабдор шахслари ёки муассислари (иштирокчи, акциядор, мулкдор, шериклари) томонидан нақд шаклда Ҳакамлик судига хизмат кўрсатувчи банк филиалига тўланади.

6-модда. Қарши даъвода ҳакамлик (арбитраж) йиғими

Дастлабки даъво учун белгиланган ҳакамлик йиғими тўғрисидаги қоидалар қарши даъво тақдим этилганда ҳам қўлланилади.

7-модда. Ҳакамлик (арбитраж) йиғимининг миқдорини кўпайтириш

1. Даъво талаблари оширилганда ҳакамлик йиғимини етмаган суммаси даъво баҳоси кўпайтирилишига муфовик даъвогар томонидан, даъво талабларини ошириш тўғрисида ариза берилгунга қадар тўланади. Агар бу тўлов амалга оширилмаса, Ҳакамлик суди кўшимча даъво талабларини кўриб чиқмаслик ҳақида ажрим чиқариши мумкин.

2. Ишни мураккаблиги, вақт сарфланилиши ва ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларни аҳамиятли оширилишини инобатга олиб, Ҳакамлик суди Раиси ёки унинг ўринбосарининг ёхуд Ҳакамлик суди таркибининг ажрими асосида ҳакамлик йиғими миқдори кўпайтирилиши мумкин.

8-модда. Ҳакамлик (арбитраж) йиғимининг миқдорини камайтириш тўлаш муддатини кечиктириш ёки узайтириш. Ҳакамлик йиғимини қайтариш

1. Ушбу Низом 4 моддаси 1-бандида назарда тутилган Ҳакамлик йиғимининг миқдори қуйидаги ҳолатларда камайтирилади:



- 25 %га - низо ҳакамлик судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилса;
- 25 %га – иш муҳокамаси ҳал қилув қарори қабул қилинмасдан тугатилган бўлса;

- 50 %га – тарафлар низои медиация ёки келишув йули билан ҳал қилганлиги натижасида Ҳакамлик суди таркибини биринчи мажлисига қадар даъвогар даъвои чақириб олса ёки бошқа ҳолатларда тарафлар томонидан низои Ҳакамлик судида ҳал қилинишини рад этиш тўғрисидаги аризаси Ҳакамлик суди таркибини биринчи мажлисига қадар Ҳакамлик судига топширилса.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар натижасида ҳакамлик (арбитраж) йиғими миқдори камайиши Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича 55 АҚШ долларидан паст бўлиши мумкин эмас.

2. Мазкур модданинг биринчи бандида кўрсатилган ҳолларда ҳакамлик йиғимининг ортиқча тўланган миқдори даъвогарга қайтарилади ва бу ҳақда ҳакамлик муҳокамаси тўғатилиши тўғрисидаги ажримда кўрсатилади.

3. Истисно тариқасида, иш ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда Ҳакамлик суди Раиси ёки унинг ўринбосарининг Муассаса раҳбари билан келишилган қарорига асосан ҳакамлик йиғими исталган миқдоргача камайтирилиши мумкин.

4. Истисно тариқасида иш ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда Ҳакамлик суди Раиси ёки унинг ўринбосарининг ажримига асосан ҳакамлик йиғимини тўлаш муддати кечиктирилиши ёки узайтирилиши мумкин.

Ҳакамлик йиғимини тўлаш муддати кечиктирилган ёки узайтирилган тақдирда ҳакамлик йиғимининг миқдори Ҳакамлик суди томонидан ҳал қилув қарорини қабул қилгунга қадар тўлиқ тўланмаган бўлса, ҳакамлик йиғимининг тўланмаган қисми мазкур Низомнинг 12 моддасига мувофиқ ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ўртасида тақсимланади ва тарафлар томонидан ихтиёрий равишда тўланмаган тақдирда Ҳакамлик суди қарорини ижро этиш вақтида биринчи ўринда ундирилади ва Ҳакамлик судининг қарорига ушбу ҳақда ёзув киритилади.

5. Агар ҳакамлик муҳокамаси Ҳакамлик судига топширилган низои ҳал қилиш учун Ҳакамлик судини ваколати бўлмаганлиги тўғрисидаги ажримига асосан тугатилган ёки айни бир ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича келиб чиққан низо юзасидан ваколатли суднинг ёки ҳакамлик судининг қонуний қучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса даъвогарга тўланган ҳакамлик йиғимининг барча суммаси Ҳакамлик суди томонидан қилинган харажатлар суммаси ушлаб қолинган ҳолда қайтарилади ва Ҳакамлик судининг ажримига ушбу ҳақда ёзув киритилади.

6. Даъво баҳоси камайтирилганда, шунингдек мазкур моддада кўрсатилмаган бошқа ҳолларда тўланган ҳакамлик йиғими қайтарилмайди.

9-модда. Ҳакамлик судининг қўшимча харажатлари

1. Ҳакамлик судининг қўшимча харажатлари Ҳакамлик судининг ҳисоб рақамига аванс сифатида киритилади (қўшимча тўловлар талаб қиладиган маълум ҳаракатлар амалга оширилгунга қадар).

2. Агар Ҳакамлик судининг қўшимча харажатларини юзага келтирган маълум ҳаракатларнинг ташаббускори Ҳакамлик муҳокамаси тарафи бўлса, бу ҳолда қўшимча харажатлар аванс сифатида ариза берган ёки илтимоснома тақдим этган тараф томонидан тўланган бўлади.

3. Агар Ҳакамлик судининг қўшимча харажатларини юзага келтирган маълум ҳаракатларнинг ташаббускори Ҳакамлик суди бўлса, бу ҳолда қўшимча харажатлар аванс сифатида киритилади.



сифатида даъвогар томонидан тўланади, агар ҳакамлик битимида бошқача ҳолат кўрсатилмаган бўлса.

4. Агар Ҳакамлик судининг қўшимча харажатлари аванс сифатида киритилмаган бўлса, Ҳакамлик суди:

- агар қўшимча тўловлар талаб қиладиган маълум ҳаракатларсиз ҳакамлик муҳокамасини бошлаш ёки давом эттириш, ёки қарор қабул қилиш мумкин бўлмаса, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради;

- агар қўшимча тўловлар талаб қиладиган маълум ҳаракатларсиз ҳакамлик муҳокамасини бошлаш ёки давом этириш, ёки қарор қабул қилиш мумкин бўлса, ҳакамлик муҳокамасини бошлайди ёки давом этиради (бундай ҳолатларда бу ҳаракатлар амалга оширилмайди).

5. Ҳакамлик судининг қўшимча харажатлари миқдори, тартиби ва тўлаш муддатлари Ҳакамлик суди таркибининг ажрими ёхуд Ҳакамлик судининг раиси ёки унинг ўринбосари қарори билан белгиланади.

6. Ҳакамлик суди ҳисоб рақамига пул маблағлари келиб тушиши билан қўшимча харажатлар қабул қилинган ҳисобланади.

7. Агар Ҳакамлик судининг қўшимча харажатлари тўлиқ ишлатилмаган бўлса ҳакамлик муҳокамаси тарафларига ишлатилмаган қўшимча харажатларнинг тегишли қисми қайтарилади.

10-модда. Аниқ бир иш бўйича ҳакамлик муҳомасини ташкиллаштириш ва Ҳакамлик судининг фаолиятини моддий-техник таъминоти билан боғлиқ бўлган харажатлар

1. Аниқ бир иш бўйича ҳакамлик муҳомасини ташкиллаштириш (ёзув қуроллари, почта ва алоқа хизмати харажатларлари) билан боғлиқ бўлган умумий харажатларни (қўшимча харажатлар бундан истисно) қопланиши ҳакамлик йиғими ҳисобидан амалга оширилади.


2. Почта ва алоқа хизмати харажатларлари учун алоҳида Ҳакамлик суди раиси бўйруғи билан белгиланадиган тарафлар томонидан тўланадиган почта харажатлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ҳакамлик йиғимини қолган қисми Ҳакамлик суди фаолиятини моддий-техник таъминоти билан боғлиқ бўлган харажатларни (Ҳакамлик суди ходимларига иш ҳақи ва бошқа тўловлар, Ҳакамлик судининг техник жихозларини ва бошқа мулкни сотиб олиш, уларга хизмат кўрсатиш, янгилатиш ва модернизациялаш ва ҳоказо) қоплаш учун ишлатилади.

11-модда. Гонорарлар

1. Аниқ бир ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган ҳакамлик судьялари, арбитрлар, Ҳакамлик суди Раиси, раис ўринбосари ва маъсул котибнинг гонорарлари мазкур Регламентнинг 2 моддасига мувофиқ ҳакамлик йиғимининг суммаси билан боғлиқ ҳолда фоиз нисбати билан қуйидаги шкала бўйича белгиланади:

Лавозим номи	Гонорар миқдори (ҳакамлик йиғими суммаси фоиз нисбати)
Ҳакамлик судьялари	



Низони якка тарбида кўриб чиқаётган ҳакамлик судьяси, арбитр ёки раислик қилувчи ҳакамлик судьяси, арбитр	5-50 % ҳакамлик судьяси ёки арбитр билан тузилган алоҳида шартномага асосан
Ҳакамлик суди таркибининг ҳар бир ҳакамлик судьяси	5-50% ҳакамлик судьяси ёки арбитр билан тузилган алоҳида шартномага асосан
Ҳакамлик суди ходимлари	
Ҳакамлик суди Раиси	5-10% Ҳакамлик суди раиси ёки унинг ўринбосарининг бўйруғига мувофиқ
Ҳакамлик суди Раисининг ўринбосари	5-10% Ҳакамлик суди раиси ёки унинг ўринбосарининг бўйруғига мувофиқ
Ҳакамлик суди маъсул котиби	3-8% Ҳакамлик суди раиси ёки унинг ўринбосарининг бўйруғига мувофиқ
Котибиятни бошқа ходимларига	2-6% Ҳакамлик суди раиси ёки унинг ўринбосарининг бўйруғига мувофиқ
Ҳакамлик судининг ташкил қилиш ва моддий техника билан таъминлаш учун ажратма	Қолган сумма, бироқ 20% дан кам бўлмаган миқдорда

2. Барча гонорарлар аниқ бир иш бўйича ҳакамлик муҳокамаси тугатилгандан кейин тўланади.

3. Гонорарлар миқдори ҳакамлик йиғимининг миқдори мазкур Низомнинг 8 моддаси учинчи қисми ёки биринчи қисмининг учинчи хат бошига мувофиқ камайтирилганда, шунингдек ҳакамлик йиғимининг миқдори кўпайтирилганда Ҳакамлик суди ҳисоб рақамига келиб тушган ҳакамлик йиғимидан тўланади.

12-модда. Ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг ҳакамлик йиғими, қўшимча харажат ва чиқимларини тақсимлаш

1. Ҳакамлик йиғими ва Ҳакамлик суди қўшимча харажатлари, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ўртасида, икки тараф келишувига биноан, акс ҳолда – қаноатлантирилган ёки рад этилган талабларга кўра пропорционал равишда тақсимланади.

2. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирининг фойдасига чиқарилган бўлса, ўша тарафнинг вакили хизматларига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар, шунингдек низони Ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ бошқа харажатлар, агар қилинган харажатларни қоплаш ҳақидаги талаб ҳакамлик муҳокамаси пайтида билдирилган ва ҳакамлик суди томонидан қаноатлантирилган бўлса, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорига мувофиқ ҳакамлик муҳокамасининг бошқа тарафига юкланиши мумкин.

3. Қўшимча харажатлар ва тарафларнинг чиқимлари таркибига Ҳакамлик судида аниқ бир низони кўриб чиқилиши, шунингдек, ҳакамлик муҳокамасини вақти узатирилишига сабаб бўлган ҳакамлик муҳокамаси тарафининг мақсадсиз ва виждонсиз ҳаракатлари натижасида оқибат бўлган бошқа харажатлар киритилиши мумкин.



4. Мазкур модданинг биринчи-учиничи қисмларида кўрсатилган харажатлар ҳакамлик муҳокамасининг тарафлари ўртасида тақсимланиши ҳақидаги якуний хулоса Ҳакамлик суди таркиби томонидан ҳал қилинади ва Ҳакамлик суди қарори ёки ажримига ушбу ҳақда ёзув киритилади.

13-модда. Ҳакамлик судида низони ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар тўғрисида тарафларнинг низолари

Ҳакамлик йиғими, Ҳакамлик суди қўшимча харажатлари ва ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг чиқимлари тўғрисидаги низолар Ҳакамлик суди таркиби томонидан ҳал қилинади.

